

Адабиётлар:

1. Хидоятлов А. Национальный вопрос СССР.-Т.: Ўзбекистон, 1991. – С. 207.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 302 б.
3. Тараққиётнинг “Ўзбек модели” // Халқ сўзи. – 2013. – 26 июль.
4. Muminov, Alisher. "Makhalla as the Center and the Conductor of Socio-political Development in Uzbekistan." *ISJ Theoretical & Applied Science* 4.48 (2017): 103-107.

XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИДАГИ СОВЕТ ДАВРИ ТАРИХИНИ ЎҚИТИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Одилов А.А.

т.ф.н., доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Мавзу:	Совет давлатида маъмурий буйруқбузлик тузумининг кучайиши ва инқирози даврида Ўзбекистон (1946-1991 йй.)		
Маърузани ўқитиш технологияси			
			Вақти: 2 соат
Ўқув машғулоти шакли	Кириш, изоҳ ва таҳлил, илғор педтехнологиялар ва техник воситалардан иборат маъруза		
Маъруза режаси	1. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистондаги иқтисодиёт ҳаёт. 2. Республиканинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти. 3. Пахта яккахокимлигининг кучайиши ва унинг салбий оқибатлари. 4. «Қайта қуриш» сиёсати ва Ўзбекистоннинг мустақиллик томон йўли тутиши.		
Ўқув машғулотининг мақсади: 1946-1991 йиллар даврий чегарасида мустақил совет давлатининг Ўзбекистонда олиб борган бир томонлама сиёсати мазмун-моҳиятини очиқ бериш.			
Ўқитувчининг вазифалари: • урушдан кейинги	Ўқув машғулотининг натижалари: Талабалар қуйидаги хулосаларга келиши лозим:		

йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва унинг янада кескинлашуви сабабларини очиб бериш; • ўрганилаётган даврда республика ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий қарамлигининг оқибатларини ёритиш; • «Қайта қуриш» сиёсати давридаги республикадаги вазият халқда ўзига хос миллий уйғониш юз бериб, республиканинг мустақиллик томон йўл тутиши ҳақида маълумот беради; • И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номли китоби- совет даври инқирози бўйича ҳамда мустақилликка эришиш йўлидаги энг муҳим манба эканлигини таъкидлаш орқали мазкур давр зиддиятли томонларини таҳлил этиб бериш.	• урушдан кейинги йилларда Ўзбекистондаги иқтисодий вазиятларнинг муҳим жиҳатлари, жумладан, саноатнинг бир томонлама ривожланиши, маъмурий-буйруқбозлик бошқарув услубларининг салбий жиҳатларини англаб етадилар; • коммунистик мафкуранинг республика ижтимоий-сиёсий ва ҳаётига зарарли, салбий таъсири очиб берилади; • тарихий фактларни таҳлил қилиш асосида пахта яккаҳокимлигининг зарарли оқибатлари ҳақида хулоса чиқарилади; • «Қайта қуриш» йилларида республикадаги ижтимоий-сиёсий вазият, «пахта иши»нинг моҳияти ва мустақиллий ғояси билан уйғрилган халқимиз янги авлодни вакиллариининг шаклланиши ҳақида маълумотга эга бўлинади. • И.А.Каримовнинг мамлакат мустақиллиги ва тараққиёти йўлидаги фидойилиги тўғрисида янада кенг ва асосли маълумотларга эга бўладилар.
Ўқитиш усуллари ва техника	Шарҳли маъруза, намойиш, савол-жавоб, «ақлий ҳужум», «резюме техникаси», таҳлил
Ўқитиш воситалари	Лазер проектори, маъруза матни, визуал материаллар, информацион таъминот, тарқатма материал, кўргазмали материаллар, харита.
Ўқитиш шакллари	Якка тартибда, фронтал, гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт шaroитлари	Компьютер, проектор (ёки проектор ва LCD панель) мавжуд аудиториялар.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол- жавоб, ўз – ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Маърузанинг технологик харитаси

Босқичлари, вақти	Фаолиятлари	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабанинг фаолияти
1 – қисм. Кириш (10 мин)	1.1 Мавзунинг номини айтиб, маъруза доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда машғулотнинг услубий ва ташкилий жиҳатлари билан таништиради.	1.1 Эшитадилар ва ёзиб борадилар.
	1.2 Мавзунинг режасини баён этиб, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради	1.2 Эшитадилар ва ёзиб борадилар.
2- қисм. Асосий қисм (60мин)	2.1 Талабалар диққатини жалб қилиш ва уларнинг мавзу юзасидан билим даражасини аниқлаш учун қуйидаги саволларни беради: 1. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаёт ҳақида нималар биласиз? 2. Маъмурий-буйруқбозлик бошқарув усуллариининг зарарли оқибатлари ҳақида нималарни биласиз? 3. Республикамиз суверенитети қай тариқа чекланган эди? 4. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ҳуқуқий асослари ҳисобланган қандай ҳужжатларни биласиз?	2.1 Саволларга жавоб беради.
	2.2 Талабалар жавоблари таҳлил қилинган, урушдан кейинги йилларда Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт ҳақидаги маълумотни чизма-жадвал (2 – илова) ёрдамида шарҳлаб баён этади. Сўнгра режанинг 1-саволи юзасидан талабаларга ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишларини сўраб муножот этади. Олинган жавоблар таҳлил этилиб, хулоса қилинади.	2.2 Бир неча талаба ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилади.

	2.3 Резюме технологиясидан фойдаланиш (6-илова) талабаларга «Пахта яккаҳокимликнинг кенгайтирилиши ва унинг салбий оқибатларини» қандай изоҳлаш мумкин? деган савол берилиб, унга жавоб бериш учун уларни 4-гуруҳга бўлади ва олинган жавоблар таҳлил этилиб хулоса қилинади.	2.3 Эшитадилар ва ёзиб борадилар.
	2.4 Марказнинг совет жамиятини қайта куришга бўлган уриниши ва бу сиёсатнинг мағлубиятга учраш сабаблари, «пахта иши», «ўзбеклар иши» моҳиятини ҳамда мустақиллик одимларини тушунтириш жараёнида мавзунинг энг муҳим жиҳатларига урғу бериб, талабаларга уни ёзиб олишлари лозимлигини таъкидлайди.	2.4 Эшитадилар ва ёзиб борадилар.
	2.5 Ўрганилган мавзунинг муаммоли саволлар воситасида мустақамлаш мақсадида «ақлий ҳужум»га ўтади (3-илова)	2.5 Эшитадилар ва ёзиб борадилар.
	2.6 Талабалар жавоблари тингланиб, айрим масалаларга аниқликлар тингланиб, айрим масалаларга аниқликлар киритилган хулоса қилади.	2.6 Эшитадилар ва ёзиб борадилар.
3 – қисм. Хулоса қисми (10 мин)	3.1 Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилиниб, маъруза мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолиятини таҳлил қилади, баҳолайди.	3.1 Савол – жавобларда иштирок этадилар
	3.2 Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолиятини таҳлил қилади, баҳолайди.	3.2 Эшитадилар.
	3.3 Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун куйидаги топшириқлар беради: 1.Мавзу бўйича асосий тушунча ва атамаларнинг маъно-мазмунини ўрганиш (4-илова) 2. «Орол фожасининг келиб чиқиш сабаблари» мавзусида эссе ёзиш. 3. Мустақил ишлаш учун тайёрлаш (5-илова). 4. Мавзу бўйича берилган асосий адабиётлар рўйхатидаги манбаларни	3.3 Мустақил ўрганиш учун берилган топшириқларни ёзиб олади.

	ўрганиш (1-илова)	
--	-------------------	--

Иловалар
1-илова

**Мустақилликкача бўлган даврда иттифоқ меҳнат тақсимоотида
Ўзбекистоннинг тутган ўрни**

Ўзбекистон собиқ иттифоқда етиштириладиган:

- пахтанинг 65%ини;
- тилланининг 60%дан ортиқ;
- канопнинг 90%ини берган;
- етиштирилган жами пахтанинг 10%дан кўпроғи Ўзбекистонда қайта ишлаш учун қолдирилган;
- Ўзбекистон олтин, симоб, вольфрам, мис ва бошқа металлларнинг салмоқли миқдорини ишлаб чиқарар эди;
- пахта барча экин майдонларининг 75%ини ташкил этган;
- республика аҳосинининг газ билан таъминланиши миқдори 17% ташкил этган;
- аҳосинининг турмуш даражаси бўйича Ўзбекистон Иттифоқда 14-ўринда турган.

2-илова

«Ақлий ҳужум» учун саволлар

1. Саноатнинг бир томонлама ривожланиши сабаблари нимада эди?
2. Республика саноат корхоналарида миллий кадрлар танқислигининг сабаби нимада эди?
3. Ижтимоий соҳанинг қолдиқ принципи асосида маблағ билан таъминланишининг салбий оқибатларини гапириб беринг.
4. Маънавий маданиятнинг ривожланишидаги зиддиятлар нималардан иборат эди?
5. Қўриқ ерларни ва чўлларни ўзлаштиришдан Марказ қандай мақсадни қўзлаган, унда йўл қўйилган хатолар қандай оқибатларга олиб келди?
6. Совет мафкураси ўзбек халқининг турмушига қандай таъсир кўрсатди?
7. Миллий тил ва маданият камситилганлигини қандай изоҳлайсиз?
8. Қайта қуришнинг моҳияти нимадан иборат эди ва у нима учун ғалаба қозонган?
9. Миллий ўзликни англаш жараёнининг мазмуни ва Мустақиллик ғояси нимадан иборат эди?

Асосий атама ва тушунчалар

1.	Пахта яккаҳокимлиги	9	Коммунистик мафкура
2.	Кадрлар сиёсати	10	«Қайта қуриш» сиёсати
3.	Мустабидлик тизими	11	«Ўзбеклар иши»
4.	Хомашё базаси	12	«Пахта иши»
5.	Экологик вазият	13	Кадрлар десанти
6.	Орол фожеаси	14	Маъмурий-буйруқбозлик тузуми
7.	Қолдиқ принципи асосида молиялаштириш	15	Миллий ўзликни англаш
8.	Ирригация-мелиорация	16	Мустақиллик ғояси

Мустақил ишлаш учун саволлар


1. Маъмурий-буйруқбозлик тузуми шароитида давлатни бошқариш қандай амалга оширилган?
2. Пахта экин майдонларининг кенгайтирилиши қандай иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарган?
3. Кадрлар сиёсатидаги зиддиятлар нималардан иборат?
4. Коммунистик ғоянинг номиллий характери нималарда яққол кўринди?
5. Қўп партиявийлик ва унинг моҳияти нимада?
6. Ўзбек миллий давлатчилигининг қарор топиш жараёни қандай кечди?

Резюме техникаси

Муаммоли савол ўртага ташланиб, талабаларнинг бу ҳақидаги мустақил фикрлари тўпланади. Бунинг учун ҳар бир гуруҳга А4 форматли қоғоз ва рангли фломастерлар тарқатилиб, улар ўз фикрларини қоғозга туширадилар. Сўнгра ҳар бир гуруҳдан 1 нафар вакил фикрлар ёзилган қоғозни доскага ёпиштирган ҳолда ўз хулосаларини асослаб тушунтиради. Кейинги гуруҳ ўзи тайёрлаган қоғозни аввалги гуруҳ қоғози тагига ёпиштиради. Шу тарзда 4та гуруҳнинг ушбу савол юзасидан мулоҳазаларини яққол намоён бўлади. Ўқитувчи билдирилган фикрни хулосалаб, энг тўғри жавобни кўрсатади. Шу тариқа кучли фикрловчи гуруҳ ажратилади.


6-илова

**ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАЛАРИДА 1987 ЙИЛДА
ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ
(ХЎЖАЛИКНИНГ ҲАММА ТУРЛАРИ; 1983 ЙИЛ ҚЎЙИЛГАН НАРХ
ҲИСОБИДА)**



7-илова

**ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОНДА 1987 ЙИЛДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИЛГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ
(ХЎЖАЛИКНИНГ ҲАММА ТУРЛАРИ; 1983 ЙИЛ ҚЎЙИЛГАН НАРХ
ҲИСОБИДА)**



**Мустабид тузумнинг республикани пахта хом-ашё базасига
айлантириш сиёсатининг асоратли оқибатлари**




**Мустабид тузумнинг маъшум “Пахта иши” ва “Ўзбек иши” деб
номланган қатағонлик сиёсати**





Собиқ иттифоқдаги ўртача ҳаёт даражасига нисбатан оғир ва аянчли ижтимоий манзара	
(Ўзбекистонда аҳоли жон бошига)	
1.Ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш	12 — ўрин
2.Миллий даромад ишлаб чиқариш	2 ҳисса паст
3.Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	40 фоиз
4.Саноатдаги меҳнат унумдорлиги	40 фоиз
5.Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги	50 фоиз
6.Гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тухум истеъмоли	50 фоиз
7.Ойига 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиганларнинг улуши (45 фоиз аҳоли)	2 ҳисса кўп



Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. - Тошкент: Ўзбекистон.. 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: Ўзбекистон. 2017.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
4. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
6. Ражабов Қ., Ҳасанов Ф. Ўзбекистон тарихи солномаси. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси». – Тошкент, 2007.
7. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Масъул муҳаррир А.Сабилов. - Тошкент: Академия, 2013.
8. Новейшая история Узбекистана. Руководитель проекта и редактор: М.А.Рахимов. - Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2018.
9. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик (лотин алифбоси). Тошкент, 2022.

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ» МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Атаджанова С.М.

*т.ф.н., доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Мавзу:	Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви
Маърузани ўқитиш технологияси	
	Вақти: 2 соат
Машғулот шакли	Ахборотли кўргазмалар, шарҳли, илғор педтехнологиялар қўлланадиган маъруза
Маърузанинг режаси	1. Тинчликсевар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати асослари ва тамойилларининг шаклланиши. 2. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши. 3. МДҲ мамлакатлари билан ҳамкорлик. 4. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлиги.
Ўқув машғулотининг мақсади: фактик материаллар асосида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши ва	